



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (13.993)

Баҳоси эркин нарҳда

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВА ТЕЖАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, бутун дунёда сув тақчиллиги муаммоси йилдан йилга кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, сувдан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилмакда. Соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Сув ҳўжалиги вазирлиги ташкил қилинди.

Ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Ёш олимларнинг илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш, талабаларда лойиҳалаш кўникмасини шакллантириш, хорижий тажриба ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимга инновациялар киритиш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига "Лойиҳалаш гуруҳи"ни ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаларига мувофиқ ишлаб чиқилаётган қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегиясида ҳам сувдан фойдаланиш ва уни тежаш бўйича долзарб чора-тадбирлар назарда тутилган. Йиғилишда суғоришдаги йўқотишларни қисқартириш, ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Бугунги кунда 3 миллион 200 минг гектар ерга 46 миллиард куб метр сув сарфланади, унинг 60 фоизи экинларга етиб борапти, холос. Чўчки жами 180 минг километр суғориш тармоқларининг 23 фоизи бетон қопламали бўлиб, улар ҳам 30-35 йилдан буюн деярли янгиланмаган. Яна бир сабаби экин майдонларининг 98 фоизи эскича услубда суғорилаётгани, экинлар номақбул жойлаштирилаётганидир. Сувдан самарали фойдаланиш, ҳисобини юритиш, ирригация тармоқларидан сув тежовчи янги технологияларни қўллаш бўйича ҳеч бир ташкилот талаб қўймапти.

Сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш соҳадаги энг асосий вазифадир. Бундай технологиялар самарадорлиги Фарғонадаги битта фермер ҳўжалиги мисолида таҳлил қилинганда, сув сарфи харажатлари 50 фоизга, ўғит 37 фоиз, ёқилги 35 фоизга қисқарган. Шу боис кейинги йилда кўшимча 200 минг, 2025 йилгача 1 миллион гектар экин майдонига сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Бугунги кунда сув ҳўжалиги ташкилотлари тасарруфида 4 мингта суғориш кудуғи мавжуд. Битта кудуқ 30 гектар майдонга хизмат кўрсатиб, йилга 40-50 миллион сўмгача харажат қилинмоқда. Суғоришда кудуқ сувини одатдагидек ишлаштириш оқибатида ер ости суви борган сари камаймоқда. Шунинг учун мутасаддиларга кудуқ сувлари истеъмолчиларини 2020 йилда сув тежовчи технологиялар ва кўш панелларидан фойдаланишга ўтказиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Умуман, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Соҳада бозор механизмларини татбиқ этиш ҳам замон талаби. Негаки, ҳозирги кунда хатто юқори даромад келтирувчи экин майдонлари, боғлар ва тоқорларни ҳам сув давлат ҳисобидан етказиб берилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, 2020 йилда 22 та тумандаги 50 та объектни давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга бериш зарурлиги таъкидланди. Йиғилишда сув ҳўжалигида илм ва инновацияни жадал ривожлантириш,

ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Ёш олимларнинг илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш, талабаларда лойиҳалаш кўникмасини шакллантириш, хорижий тажриба ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимга инновациялар киритиш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига "Лойиҳалаш гуруҳи"ни ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Барча йирик лойиҳаларда илмий ҳодимлар ва иқтидорли талабаларни объектларга бириктириш, уларнинг хорижда малака оширишига қўмаклашиш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни ушбу лойиҳалар доирасида амалиётга татбиқ этиш лозимлиги таъкидланди. Бундай технологиялар самарадорлиги Фарғонадаги битта фермер ҳўжалиги мисолида таҳлил қилинганда, сув сарфи харажатлари 50 фоизга, ўғит 37 фоиз, ёқилги 35 фоизга қисқарган. Шу боис кейинги йилда кўшимча 200 минг, 2025 йилгача 1 миллион гектар экин майдонига сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Бугунги кунда сув ҳўжалиги ташкилотлари тасарруфида 4 мингта суғориш кудуғи мавжуд. Битта кудуқ 30 гектар майдонга хизмат кўрсатиб, йилга 40-50 миллион сўмгача харажат қилинмоқда. Суғоришда кудуқ сувини одатдагидек ишлаштириш оқибатида ер ости суви борган сари камаймоқда. Шунинг учун мутасаддиларга кудуқ сувлари истеъмолчиларини 2020 йилда сув тежовчи технологиялар ва кўш панелларидан фойдаланишга ўтказиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Яна бир масала – ҳозирда сув объектларини қуриш, реконструкция ва эксплуатация қилиш бўйича ҳам буржумчи, ҳам пудратчи вазифасини битта идора – Сув ҳўжалиги вазирлиги амалга оширмоқда. Бу эса соғлом рақобатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис 57 та пудрат корхонасини вазирлик тизимидан чиқариб, алоҳида акциядорлик жамиятига бирлаштириш вазифаси қўйилди. Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини қайта қўриб чиқиш зарурлиги, улар инвестиция, грант ва бошқа маблағлар жалб қила олмагандарга, махсус техникаларга эга, фермерларга сифатли хизмат кўрсатувчи профессионал тузилма сифатида фаолият юритиши кераклиги қайд этилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддилар ҳисобот берди.

Ў.А.



ДЎСТЛИГИМИЗ, АҲИЛЛИГИМИЗ РАМЗИ

Ўзбекистонда Татаристон Республикаси маданияти кунлари доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида икки халқ санъати усталарининг концерт дастури бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Татаристон Республикаси маданияти кунларининг тантанали очилишига старт берган ушбу файзли оқшомга турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказларининг вакиллари тақлиф этилди. Кечада таъкидланганидек, ўзбек ва татар халқлари азалдан умумий тарих, анъана ва миллий урф-одатларининг ўхшашлиги билан диққатга сазовор. Бу эса асрлар давомида яқин маданий мулоқотларни олиб боришга, уни янада кенгайтиришга, ютуқларни биргаликда баҳам кўришга имкон берди. Бу анъаналар бугун ҳам давом этмоқда. Ўзбекистонда Татаристон Республикаси маданияти кунларининг ўтказилиши ҳамкорликнинг янги босқичдаги амалий тимсолига айланди.

Жонажон Ўзбекистонимизда кўплаб миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек истиколат этиб келаётгани мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида олиб борилаётган оқилона ва узоқни кўзловчи сиёсатнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Улар орасида татар миллати вакиллари ҳам шу табаррук замин, унинг равнақи, халқ фаровонлиги, порлоқ истикболи йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонда фан, сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва санъат соҳаси ривожини йўлида меҳнат қилган Рим Гиниятуллин, Галия Измайлова, Чингиз Аҳмаров ва бошқалар катта ҳурмат билан тилга олинадилар.

1990 йилда пойтахтда республиканинг энг фаол миллий маданий марказларидан бири бўлган Татар ижтимоий маданий-маърифий маркази ташкил этилди. Ушбу марказ томонидан турли байрамлар ўтказилиб, уларга кенг жамоатчилик жалб қилинади. Вилоятларда татар халқининг тили, маданияти ва урф-одатларини сақлашда фаол иштирок этадиган яна саккизта татар жа-

моат бирлашмаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Бугун мамлакатимизда дунёнинг барча давлатлари билан кўп томонлама ҳамкорлик қилиш учун барча шароит яратилган. Ўзбекистон ва Татаристон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Бундай маданий тадбирларни ўтказиш яхши анъанага айланган. Мазкур маданий-маърифий лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлайди. Самарқанд шаҳридаги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, Термиздаги Бахшичилик санъати халқаро фестивали, Шаҳрисабздаги Мақом халқаро анжумани ва ақинда Қўқонда бўлиб ўтган хунармандчилик халқаро фестивалида Россия, хусусан, Татаристондан мусиқачилар иштирок этдилар. Шунингдек, ўтган йил сентябрь ойида Галиасгар Камал номидаги Татар давлат академик театрининг Тошкент шаҳридаги гастроль сафари муваффақиятли ўтди. ...Мухташам саҳнада жўшқин куй-қўшиқлар янграйди. Дўстликни, меҳр ва садоқатни, аҳилликни тараннум этувчи мусиқий асарлар икки қардош халқнинг мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари ягона эканига ўзига хос ишорадек. Концерт дастури санъат муҳлисинарига гоят манзур бўлди. Дилрабо мусиқий дастур билан бошланган Ўзбекистонда Татаристон Республикаси маданияти кунлари доирасида спектакллар намойиши, концертлар, маърифий учрашувлар, ижодкорларнинг мулоқотлари, давра суҳбатлари, кўргазмалар ўтказилиши кўзда тутилган. Театр фойесида бадий-амалий санъат кўргазмаси, расмлар, шоир ва ёзувчиларнинг китоблари тақдими, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар ташкилланган. Назокат УСМОНОВА

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган суғориш хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали атрофида туристик марказ қурилиши бошланди. Лойиҳага кўра, туристик марказ икки ҳудуддан иборат бўлиб, эшак эшиш каналининг шимолий ҳудудида замонвий анжуманлар саройи, иккита беш юлдузли, иккита тўрт юлдузли меҳмонхона ва бошқа иншоотлар қурилади. Мазкур ҳудуд — марказининг бизнес ҳудуди ҳисобланади. Марказнинг жанубий ҳудуди эса ички туризм учун мўлжалланган. Бу ерда бир вақтда уч минг киши дам олиши мумкин. Ҳудудда олтита меҳмонхона, аквапарк, спорт иншоотлари, ресторан ва кафелар, миллий махсусотлар билан савдо килувчи нуқталар ташкил этиш кўзда тутилган.

● Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида "Inter Vet" МЧЖ (Ўзбекистон) ва "Агровет" АЖ (Россия) ўртасида био- ва фармтехнологиялар соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Меморандум имзоланди. Ҳужжат Тошкент вилояти ҳудудида ветеринар биологик ва фармацевтик воситалар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона шаклидаги биотехнологик мажмуа қуришни кўзда тутади. Лойиҳа қиймати 10 млн. долларни ташкил қилади. Қелишувга кўра, Россия томони лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланганлиги, мажмуанинг режавий ечимини ишлаб чиқади, технология ва меъёрий ҳужжатларни тақдим қилади. Бундан ташқари, янги корхона ҳодимлари "Агровет" базасида ўқитилади. Йил охиригача қўшма корхонадан ўтказиш режалаштирилмоқда, 2020 йил мартгача эса лойиҳавий ҳужжат тайёрланиб, тегишли рухсат бевуҷчи ҳужжатлар олинади.

● Самарқандда Италиянинг Leitner Ropeways компанияси томонидан сым арқон — канатли йўл барпо этилади. Бу лойиҳа Самарқанд аэропортининг янги терминали қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида намойиш этилган. Лойиҳа суратларидан аниқлаштиришча, унинг узунлиги 5570 метрни ташкил этади ва учта бекатдан иборат бўлади. 1 ва 2-бекатлар орасида 29 та кабина, 2 ва 3-бекатлар орасида 61 та кабина ҳаракатланади. Бекатлар Университет Ҳиёбонининг охирида, Қўқсарой майдонида ва Улугбек расадхонасида бўлиши мўлжалланмоқда. Кабиналар 22 км/соат тезликда ҳаракатланади. Ўтказиладиган йўналиш бўйлаб Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмини бемалол балангликдан томоша қилиш мумкин бўлади.

● Сурхондарё вилояти Шарғун шаҳрида "Обод марказ" дастури доирасида янгидан қурилган, мукамал таъмирланган ва обodonлаштирилган 9 замонвий ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

● Гондурас, Гватемала, Никарагуа ва Сальвадор элктр таъминотида юз берган носозлик сабаб тўлиқ ёки қisman элктр энергиясиз қолди. Гондурас энергетик компанияси маълумотларига кўра, глобал носозлик Никарагуа ҳудудида содир бўлган авария сабаб юзага келган. Минтақанинг барча мамлакатлари ягона элктр узатиш тармоғи билан бирлашган. Ҳозирда мамлакатларнинг элктр таъминотини тиклаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, жорий йил бошидан буюн Марказий Америка давлатларида бир неча бор элктр энергиясиз узалишлар кузатилган. Айниса, Венесуэла ҳудудида авариялар кўп содир бўлган.

● Европарламент 394 та овоз билан қўллаб-қувватлагани ҳолда Кристиан Лагардни 8 йиллик муддатга Европа марказий банкнинг раҳбари вазифасига сайлади. Лагард ўз фаолиятини расман жорий йилнинг биринчи ноябрдан бошлашга киришади.

● Google интернет компанияси фирибгарлик иши бўйича терговни амалга ошириш учун Франция маъмурларига бир миллиард долларга яқин маблағни тўлайдиган бўлди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокамасига бағишланган сессия селектор шаклида ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, шаҳар Кенгаши депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, нодавлат ношароит ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева иштирок этди ва нутқ сўзлади. Кун тартиби доирасида парламент иши гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрида тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, Тошкент шаҳри юксак иқтисодий салоҳияти, қулай инвестицион ва инфратузилма шароитлари ҳамда меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллайди. Айниқса, кейинги уч йил давомида пойтахтимизда барча соҳаларда юксалиш кузатилмақда. Бунда, албатта, ишбилармон доираларнинг ҳиссаси катта. Жумладан, ҳозирги вақтда 73 мингдан зиёд кичик тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, бу корхоналар умумий сонининг 87,9 фоизини ташкил этади. Кичик

бизнес субъектларининг ялли ҳудудий махсусотдаги улуши 62,2 фоиз, маҳаллий бюджетдаги ҳиссаси эса 14 фоизга тенгдир. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тадбиркорлик субъектлари учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 24,3 трлн. сўм кредитлар ажратилди. Бу эса 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 56 фоизга ёки 10,6 трлн. сўмга кўпдир. Бироқ, шунга қарамадан, шаҳарда тадбиркорликни ривожлантириш, пойтахтни том маънода ишбилармонлик маконига айлантириш бўйича ҳали кўплаб вазифалар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Шаҳарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришга лозим даражада эътибор қаратилмаётгани оқибатида импорт ҳажми камаймаяпти. 2019 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра экспорт ҳажми 1 млрд. 971,8 млн. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 фоизга ўсган бўлса, импорт ҳажми 3,9 млрд. долларга тенг ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34,5 фоизга ўсган. Шу рақамларнинг ўзиёқ бу борада жиддий ишлар аманга оширилиши лозимлигини кўрсатиб турибди.

Сессияда қайд этилганидек, пойтахтнинг экспорт салоҳиятини оширишда кичик саноат зоналари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, Тошкент шаҳрида 8 та кичик саноат зонаси фаолият кўрсатмоқда. Бектемир, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Юнусобод ва Яққасарой кичик саноат зоналари шулар жумласидан. Уларнинг ҳудудида 653 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1,18 трлн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 13910 та янги иш ўрни яратилди. Кичик саноат зоналари фаолиятини такомиллаштиришга ҳалал бераётган бир қатор камчиликлар депутатлар томонидан кўриб чиқилди. Улар фаолият юритаётган субъектларга имтиёз ва преференциялар тақдим этилишини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, тўрачилик билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этиш, қолаверса, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш масалалари атрофида кўриб чиқилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлифлар билдирилди. Сўзга чиққанлар қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан пойтахтимиздаги ташкилотларни жалб қилган ҳолда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган аниқ чораларни белгилаб олиш ҳамда уларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш лозимлигини айтиб ўтди. Сессияда кўриб чиқилган масала юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 4 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги камчиликлар, амалга оширилиши зарур вазифалар бўйича топшириқлар берилган эди.

ЎЗА мухбири Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдушукур СОДИҚОВ билан мазкур вазифаларнинг ижроси ва спорт тиббиёти соҳасида амалга оширилаётган янгилликлар ҳақида суҳбатлашди.

– Спорт фармакологиясини ривожлантириш, яққа ва жамоавий спорт турлари билан шуғулланувчиларга тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Спортчиларимизни Олимпия спорт турлари бўйича тайёрлаш самарадорлигини ошириш ҳамда Президентимизнинг 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида спорт федерацияларига тажрибали диетолог, психолог ва кўшимча спорт шифокорлари жалб этилди.

Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази мутахассислари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган 8 фармакологик гуруҳга (витамишлар, энергетиклар, пластик воситалар, антигипоксантилар, антиоксидантлар, адаптогенлар, иммуотроплар ва ноотроплар) кирувчи 936 дори воситаси рўйхати шакллантирилди. Уларнинг 20 дан ортиғи мамлакатимизда ишлаб чиқарилади. Шунингдек, Ўзбекистон миллий антидопинг агентлиги билан ҳамкорликда WADAнинг тақликланган моддалар рўйхати тахлил қилиниб, 260 номдаги дори воситаси рўйхати шакллантирилди ва спорт федерацияларига тарқатилди.

Россия олимпия кўмитаси ҳузуридаги Инновацион марказ мутахассислари билан ҳамкорликда эса спортчиларимизнинг иш қобилияти ва индивидуал жисмоний юқламани бажариш салоҳияти юзасидан функционал текширувлар ўтказилди. Бу, ўз навбатида, спортчиларнинг ҳафталик, ойлик ўқув-машғулот режасини ишлаб чиқишда қўл келади. Шунингдек, россиялик ҳамкасблар иштирокида спорт федерациялари шифокорлари, мураббий ва спортчилар учун давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ўтказилди.

Психологлар федерацияларда мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқди. Улар спортчиларни машқлантириш жараёнида ҳамда мусобақалар даво-

мида тананинг ақлий фаолиятини ва спортчининг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи тизимларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва оптималлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширди. Натижада ҳар бир спорт тури учун мўлжалланган индивидуал психологик характерга эга дастурлар ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурларда спортчиларнинг психологик хусусиятини ўрганиш, мураббийларнинг бу борадаги қобилиятини ошириш, спортчини ёки жамоани маънан қўллаб-қувватлаш, машғулотлар

Спорт

ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТ ТИББИЁТИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

жараёнидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам берадиган психологик муносабатни ривожлантириш, стрессни енгилаштирувчи воситаларни ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу, ўз навбатида, мусобақаларда иштирок этишда, захирадан катта спортга ўтишда юзага келадиган жиддий психологик муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда мавжуд федерацияларга психологик хизмат кўрсатиш, спортчилар ва мураббийларнинг психологик савиясини ошириш мақсадида Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказида, Россия олимпия кўмитаси қошидаги Инновацион маркази спорт психологи Марина Огурцова томонидан маҳорат дарслари олиб борилди.

– Спорт диетологияси, фармацевтикаси ва фитососланган соҳаларни ривожлантириш борасида қандай ишлар бажарилмоқда?

– Спорт диетологияси бўйича “Спорт турлари бўйича рационал овқатланишни тўғри ташкил этиш” номли кўлланма нашр этилди. Шунингдек, жорий йилнинг 4 апрель куни “Спортчи рационини тўғри ташкил қилиш муаммолари” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда барча спорт федерацияларидаги мураббийлар ва спорт шифокорлари иштирок этди ва замонавий усуллар

ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди.

Спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, Ўсимлик моддалари кимёси институти ва Тошкент фармацевтика институти ҳамкорлигида “Сумбула”, “Мандрагора” ҳамда “Трибулус” ўсимликларидан спорт учун дори воситаларини яратиш бўйича илмий грант шакллантирилмоқда.

– Спортчилар учун керакли бўлган дори воситаларини яратиш ва бу йўналишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида нима дейсиз?

– Маҳаллий дори ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликда спортчилар учун дори воситаларининг инфузион эритма шакли яратилиб, уларда клиник синовлар ўтказилмоқда. Бу борадаги ишларни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қўрилмоқда.

– Сир эмас, кўпчилик спортчиларимиз допинг бўлмаган қандай моддалардан фойдаланиш мумкинлигини билмайди. Шу маънода уларга мутахассислар томонидан қандай ёрдам кўрсатилади. Умуман бу борада муҳим вазифалар нималардан иборат?

– Спортчиларнинг билим даражасини ошириш, допинг нималиги ва WADA рўйхатига кирган воситалардан фойдаланмаслик борасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика антидопинг агентлиги билан ҳамкорликда “Спортда допингга қарши кураш ва спортда тақиқланган дори воситалари” мавзусида спортчи ва мураббийлар учун тренинг машғулотларини тизимли ташкил этиш борасида ишлар бошланган.

– Миллий олимпия кўмитаси қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий маркази фаолияти ва мутахассислар малакаси замонавий спорт тиббиёти талабларига жавоб бера оладими?

– Бизда замонавий спорт тиббиёти талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар кам. Бу муаммони ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси спорт шифокорларига бўлган эҳтиёжни ўрганиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақлиф киритилди. Ўз навбатида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги спорт тиббиёти йўналиши бўйича клиник ординатурага кўшимча 6 ўрин ажратди.

Шунингдек, спортчилар учун керакли дори воситаларини яратишда дуч келаятган муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммога ечим топиш йўлида изланишлар давом этмоқда. Албатта, бунинг учун етарлича маблағ ва юқори илмий даражага эга мутахассислар керак бўлади.

Жавоҳир ТОШЎЖАЕВ
суҳбатлашди

ЭСКИ ТЕХНОЛОГИЯДАН КИМГА НАФ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарор ва фармонлари билан тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланиб, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга қўлай шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантириш йўналишида имтиёзлар берилиб келинмоқда.

Аммо мазкур яратилган имтиёз ва имкониятлардан айримлар ўзларининг геразли мақсадлари, мамлакатимизга муқаддам ишлатилган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайди асоб-бусуналарни янги жиҳозлар сифатида олиб кириш ҳолатлари уч-рамоқда.

Масалан хориждан пойтахтимизда фаолият юритувчи масъулияти чекланган жамиятларнинг бирини номига келган ва “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимида расмийлаштирилган “SANY” маркази автокран “Тошкент-товар” ТИФ божхона пости божхона ходимлари томонидан божхона назоратидан ўтказилганида краннинг мотори носоз ҳолатда эканлиги, ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган идентификацион рақамлари ва ёрликларининг завод усулида ишлаб чиқарилганигига шубҳа уйғотувчи белгилар мавжудлиги, айрим жойлари қайта бўялганлиги ва шасси қисмининг таг қисмида емирилиш ва занглаш излари борлиги маълум бўлган.

Ўтказилган экспертиза натижасига кўра мазкур автокран 2018 йилда ишлаб чиқарилганлиги маълум бўлди. Бунинг натижасида эса 2 млрд. сўм кўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Яна бир ҳолатда Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган ва божхона юк декларациясида 2018 йилда ишлаб чиқарилган дейилган “Single

Head Steel Pipe Bender” номли ускуна божхона кўригидан ўтказиш жараёнида “Сергели” ТИФ божхона пости ходимлари эътиборини тортиди. Сабаби ушбу ускунанинг мотор қисмида 2016 йил деб қайд этилганлиги қолаверса, қайта бўялганлиги, таъмирланганлиги ва пайвандланганлиги излари, айрим эҳтиёт қисмлари эскириб ёрилганлик ҳамда ускуна корпуси ифлосланиши, занглаш ва механик шикастланиш излари бор эди.

Экспертиза хулосасига кўра мазкур ускуна жамланмаси билан муқаддам ишлатилганлиги, қайта бўялган излари мавжудлиги, пайвандланганлиги, шланглариде ёрилиш излари, ускунадаги коррозия ва емирилиш ҳолатлари уни узоқ муддатда ишлаб чиқаришда фойдаланилганлиги ўз тасдиғини топди.

Боз устига мазкур ускунанинг фактура қиймати ҳужжатларда 152.4 минг АКШ долларлари яъни 1 млрд. 279.8 млн. сўм деб кўрсатилган бўлса-да, баҳоланган хулосасига кўра, олинган ускунанинг қиймати 229.8 млн. сўмга тенг эканлиги маълум бўлди.

Юқоридаги ҳолатларда янги, замонавий технологиялик ноқиб остида юртимизга олиб киришга уринилган эскирган ускуналар ўз вақтида тўхтатиб қолинди.

Нодирбек УСМОНОВ,
Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи

“101” ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАСИ

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари юртдошларимизнинг хотиржамлиги ва хонадонларимиз тинчлигини таъминлаш мақсадида фуқароларимизга ёнгин хавфсизлиги қондаларини тушунтириш юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Ақсарият ҳолларда болалар уйда ёлғиз қоладилар. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эса ота-оналар ва катталар масъулдир. Шундай масъулиятли даврда Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам мактабларда бу борада қатор амалий, ўқув-семинар машғулотлари олиб боришмоқда. Мактаб ва маҳаллалар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган ходимлар ўз хизматларини сидқиқидан бажармоқда. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги олиб борилаётган тарғибот ишлари фуқароларимизнинг бефарқлигига чек қўйиб, содир бўлаётган турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам беради. Шунингдек,

ЁХБ ходимлари ёш авлод тарбиясида ҳушёрлик ҳиссини вужудга келтиришга эътибор қаратиб, улар билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиладиган ҳамда болалар билан биргаликда ёнгин техник марказига ташириб буюрадилар. Қилинаётган ишлардан мамнун ўқувчилар ЁХБ ходимлари билан доимий ҳамкорликда бўлишни чин дилдан хоҳлашмоқда. Демак ЁХБ ходимларини олдиндан катта ишлар кутмоқда. Ёшларнинг бахтли келажига ва уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишлари учун ҳар бир инсон масъулдир.

Равшан АКБАРОВ,
25-ҲЁХБ смена бошлиғи, капитан

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 6А-уй, 3-хонадон эгаси Джуроев Илхом Собирович номига Шайхонтоҳур тумани кадастр хизмати томонидан уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 301-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 18.06.2019 йилда Қудратов Фаррух Салим ўғли номига берилган UM № 0267793 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестати ва иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 302-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Ахназаров Рустам Бахрамович номига берилган O'R-Z № 0913210 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 4-тор Дарвозакент кўчаси, 18-уй эгаси Закиров Равшан Махмудович номига Юнусобод тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Корай Текстил” ХИИ АЖ Акционерлар диққатига 2019 йил 9 октябрь соат 10:00да “Корай Текстил” ХИИ АЖ йиғилиши ўтказилмоқда. Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 1-уй, 37-хонадон. Мурожаат учун телефон: +99899 439-12-74.

“Ўзбекизоқовқатзаҳира” уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси уюшма таркибидеги корхона раҳбари Ақмал ТУСУНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

“БЕПУЛ МЕТРО КУНИ”ДА ТОШКЕНТ МЕТРОСИ БЎЙЛАБ САЁХАТ

Бу йилдан Ўзбекистон “Европа ҳаракатланиш ҳафталиги” глобал кампанияси иштирокчисига айланди. Шу муносабат билан Тошкентда 19 сентябрь куни “Бепул метро куни” тадбири ўтказилди.

Шу куни метрода юриш бепул бўлди. Ҳар бир бекат ва метро ости йўллариде муסיқчилар ва актёрларнинг чиқишлари Тошкент аҳолиси ва меҳмонларига кўтаринки кайфият бағишлади.

– Бугун “Бепул метро куни”да одамлар оқими ҳар кунгидан кўпайган, – деди Тошкент шаҳар хавфсиз туризмини таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш гуруҳи инспектори, катта лейтенант Бахтигул Нуруллаева. – “Ойбек” бекатидан “Мингўрик” бекатига ўтиш жойида йўловчилар театрлаштирилган муסיқий чиқишларни томоша қилди. “Амир Темур” бекатидан “Юнус Ражабий” бекатига ўтиш йўлида расмлар галереяси кўргазмаси ташкил этилди. “Пахтакор” ва “Алишер Навоий” бекатларига ўтиш вестибулдеда эса йўловчиларни Тошкент метрополитени тарихига бағишланган тарихий фотокўргазма кутиб олди. Бундан ташқари, ноодатий флэшмоблар ташкил этилиб, барча линиялардаги метро вагонлариде рақс жамоалари вагондан-вагонга ўтиб юришди.

Тошкент метросининг умумий узунлиги 37 километрдан кўпроқ, 29 станцияли ер ости тизими гўзаллиги ноёб ва уникалди. Метродан кунига ўртача 200 минг киши фойдаланмоқда. Бошқа пойтахт шаҳарларга нисбатан таққослаганда эса Тошкент метросида йўловчи оқими жуда паст ҳисобланади. Мазкур “Бепул метро куни” лойиҳаси эса аҳоли ўртасида ерости транспортдан фойдаланишни янада оммалаштиришга хизмат қилади. Ана шу мақсадда ташкил этилган мазкур лойиҳа аҳолига ҳам манзур бўлди. Кўпчилик оилалар фарзандлари билан метрода саёхат қилди. Кўнгилочлар дастурлардан баҳраманд бўлди. Пойтахт аҳолиси орасида шу куни ўз машиналарини уйда қолдириб, ишхонасига метрода борган, метро хизматининг тежамкорлиги ва тезлигини юқори баҳолаганлар ҳам бўлди.

– Бугунги акция иштирокчисига айланганимдан хурсанд бўлдим, – дейди Жамолдин Хонназаров. – Эрталабдан метрога тушишнинг билан кўтаринки кайфият, метро хизматчиларининг ҳушмуомаласи кун бўйи ижобий таъсир кўрсатаркан. Беҳаражат ўз манзилингга етиб олиш бироз ноодатий ҳолат бўлгани учунми, унинг ҳам ўзгача гашти бўларкан.

Барча бирдек манзур бўлган мазкур ўзига хос, ноанъанавий акция Тошкент аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Тошкент метрополитени” УК томонидан ташкил этилди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.05.2019 йилда № 728253 рақам билан рўйхатдан ўтган “SARDOR TEXCOM” МЧЖ (СТИР 306461902) почта манзили: Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 157/7-уй Ягона таъсисчининг 06.09.2019 йилдаги қарориги асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида (90) 991-98-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2015 йилда Исаджанова Зилола Абдужалилова номига берилган К № 4021022 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли


БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, А.Қодирий кўчаси, 46-уй бекатиде жойлашган савдо дўкони учун “ELJHOZ SAVDO” МЧЖга 18.04.2017 йилда берилган кадастр маълумотномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сергели тиббиёт коллежи томонидан 2009 йилда Каратаева Насиба Рустамовна номига берилган К № 1437075 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида 21 сентябрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинрилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шимол эсади. Ҳарорат кечаси – 14-16, кундузи

– 35-37 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 21 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.